

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

М.Исломова, Ҳ.Жўраев	
Қуш тимсоли ва ижтимоий-фалсафий масалалар талқини	189
О.Абобакирова, М.Жабборова	
Ўзбек болалар ҳикояларининг жанр хусусиятлари	192
Г.Касимова	
Чет тили дарсларида вербал ва новербал мулоқот	196
М.Раҳмонов	
Сўзнинг саломатликка таъсири	199
М.Амонов	
Туркий изофанинг функционал табиати хусусида	202
Г.Умаржонова	
Немис ва ўзбек тилларида “hand – қўл” компонентли соматик фразеологизмларнинг эквивалентлик ҳодисаси	206
Х.Шокирова	
Лисоний белги концепцияси	209
З.Маруфова	
“Гўзаллик” тушунчасининг лингвопоэтик талқини	212
И.Аҳмаджонов	
Шахс оти ясовчи морфемалар семантикасига доир	215
Н.Махмудова	
Ўзбек тилидаги телекоммуникация терминларининг семантик хусусиятлари	219
А.Ахтямов	
Реклама матнларининг таркибий қисмларини прагматингвистик таҳлили	222
З.Маматқулова	
Ўзбек кулолчилик терминларининг лисоний тавсифи	226
Х.Максудова	
Умумфойдаланиш учун белгиланган эмотив луғат	230
Э.Абдуллаева	
Миллатлараро мулоқот турли маданият вакилларининг ўзаро тушуниш муҳити сифатида	234
Ш.Хошимова	
Муса Жалил шеърларида “бахт” тушунчаси ва унинг талқини	238
Ф.Абдурахимова	
Сўз ясашида ички форма	243

ТАРИХГА БИР НАЗАР

Фарғона давлат университети тарихига доир	245
<u>ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ</u>	
Қадимшунослик соҳаси билимдони	247

ЎЗБЕК КУЛОЛЧИЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЛИСОНИЙ ТАВСИФИ
ЛИНГВИСТИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА УЗБЕКСКИХ ГОНЧАРНЫХ ТЕРМИНОВ
LINGUISTIC ANALYSIS OF UZBEK POTTERY TERMS

Маматкулова Зилола Режабалиевна¹

¹Маматкулова Зилола Режабалиевна

– Фарғона давлат университети академик
лицейининг она тили ўқитувчиси, мустақил
тадқиқотчи.

Аннотация

Мақолада ўзбек кулолчилик терминларининг тилдаги ўрни, бойиш манбалари, уларнинг тематик таснифи мисоллар ёрдамида келтирилган, этимологик қатлами тасниф этилган ва кулолчилик лексикаси учун ҳам хос хусусият саналган, уларнинг изоҳи ёритилган.

Аннотация

В данной статье на примерах представлена роль узбекских керамических терминов в языке, источники обогащения, их тематическая классификация, классифицируется этимологический пласт и особенности лексики керамики, а также их разъяснение.

Annotation

In this article, using examples, the role of Uzbek ceramic terms in the language, sources of enrichment, their thematic classification is presented, the etymological layer and features of the vocabulary of ceramics are classified, as well as their explanation.

Таянч сўз ва иборалар: миллий лексика, сўз-терминлар, касб-хунар лексикаси, гипергипонимик, партонимик, холо-меронимик, семантик майдоннинг ядроси, доминанта, гипероним.

Ключевые слова и выражения: национальная лексика, слова-термины, профессиональная лексика, гипергипонимия, партонимия, голомеронимия, ядро семантического поля, доминанта, гипероним.

Keywords and expressions: traditional vocabulary, vocabulary, professional vocabulary, hyperhyponymy, partonymy, holomeonymy, core of the semantic field, dominant, hyperonym.

Ҳар бир халқнинг миллийлигини, ўзига хос анъаналарини ифода этувчи воситалардан бири – бу, халқнинг амалий санъатидир. Санъат - инсон фаолияти ва ижтимоий онг маҳсулидир. У жамият тараққиётининг илк босқичларида меҳнат жараёни билан, инсонларнинг ижтимоий фаолиятининг ривожланиши билан вужудга кела бошлаган. Амалий санъат эса, ижтимоий ва шахсий турмушда амалий аҳамиятга эга бўлган бадиий буюмлар тайёрлаш ва кундалик турмуш ашёларини бадиий ишлаш билан боғлиқ жараёндир. Халқ амалий санъатининг бир қанча кўринишлари мавжуд: рассомчилик, зардўзлик, каштачилик, ганчкорлик, косибчилик, меъморчилик, пичоқчилик, тўқувчилик, ҳайкалтарошлик, дурадгорлик ва бошқалар. Ҳар бир халқ ўзининг ички имкониятидан, кундалик турмуш тарзидан, миллий анъаналаридан ва урф-одатларидан, яшаш шароитларидан келиб чиққан ҳолда маълум амалий санъат билан машғул бўлади. Жумладан, ўзбек халқи кулолчилик билан асрлар давомида шуғулланиб келмоқда. Кулолчиликка оид

терминлар ўзбек касб-хунар лексикасининг бир қисмига айланиб қолган.

Академик Ш. Шоабдурахмонов ўзбек тили лексикасини бир тизимга жамлаш ва илмий жиҳатдан ўрганиш ниҳоятда зарурлиги ҳақида қуйидаги фикрларни баён қилган эди: “Агар яқин келажакда ўзбек миллий лексикаси тўлаллиги билан қайд қилиб олинмаса, барча масъулиятни ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, кекса авлод тугаб бориши билан тилнинг улар ҳофизасида сақланиб, бизгача етиб келган қимматли материалларнинг бир қисми ҳамишаликка йўқолиши мумкин”[3,325].

Ўзбек тилидаги касб-хунар лексикаси тадқиқи масалалари бўйича биринчи бўлиб таниқли тилшунос олим С. Иброҳимов киришган эди. У турмушимиздан изи ўчиб бораётган, ҳали ҳеч ким томонидан ўрганилмаган Фарғона шеvasидаги касб-хунарга оид сўз-терминларни тўплаб, лингвистик жиҳатдан таҳлил қилди ва бундай сўзлар луғатини тузди[8,20].

А. Собиров бу олимнинг хизматларини эътироф этиб, қуйидаги жумлаларни тақдим этади: “Касб-хунар лексикасининг таркиб

топиши ва ривожланишида профессор С. Иброҳимовнинг хизматлари беқиёс саналади. Олим ипакчилар, тандирчилар, шувоқчилар, дегрезлар, рихтагарлар, металлсозлар, темирчилар, қулфсозлар, игначилар, пичоқчилар, чилангарлар, тақачилар, наългарлар, мисгарлар, анжомасозлар, михгарлар, занжирсозлар, наққошлар, заргарлар, мийногарлар, савотгарлар, гаҳчилар лексикасидан 2500 та га яқин лексик бирликни йиғиб олиб, улар устида тадқиқот ишлари олиб борди. Натижада кейинчалик бажарилган кўплаб ишлар учун унинг асарлари қимматбаҳо манба вазифасини ўтади. 60-90 йилларда терминолог ва лексикологларнинг бутун бир авлодини тарбиялаб вояга етказишда С. Иброҳимов асос солган профессионал лексикология мактабининг ўрни беқиёс бўлди”[5,27-28].

Мамлакатимизда қадимдан шаклланиб келаётган кулолчилик анъаналарини асраб-авайлаш, тиклаш ва ривожлантириш, халқаро даражада кенг тарғиб қилиш, кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва унинг экспортини ошириш, уста кулол ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уста-шоғирд мактаблари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида 2021 йилнинг 23 мартда “Кулолчиликни ривожлантиришни тезлаштириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди ва бу соҳага эътибор кучайтирилди. Сабаби кулолчилк буюмлари ўзбек халқининг юзи сифатида мамлакатимизга ташриф буюрган сайёҳлар билан бирга ўзга юртларга эсдалик совға қилиб олиб кетилмоқда. Бу эса, ўзбек маданиятини дунё бўйлаб ёйиш учун ҳизмат қилади.

Бундан кўринадики, касб-ҳунар лексикаси миллийлик белгиси ҳамдир, буни кишиларнинг меҳнат фаолияти, кундалик машғулоти билан боғлиқ ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Кишиларнинг касб фаолияти инсон ҳаётининг узвий бир қисми бўлгани учун, урф-одатлари, қадрият ва анъаналарини ҳам эътиборга олган ҳолда ўрганиш зарур.

Касб-ҳунар лексикаси терминлар каби тилнинг махсус бирликлари қаторидан ўрин олади. Касб-ҳунар лексикаси муайян касб-ҳунар доирасида қўлланувчи, унга дахлдор махсус бирликлардир. Ҳар бир тилда халқ

ҳаёти, турмушга бевосита алоқадор касбий соҳаларга оид сўзлар ранг-баранг бўлиб, қўлланилиши жиҳатидан терминларга нисбатан фаол лексик қатламлардан саналади. Терминологияда сўзларнинг терминлашиши ва бунинг акси, терминларнинг детерминлашиши юзага чиқади. Кулолчилик лексикаси ҳам, терминлар ҳам махсус лексика таркибига киради. Мазкур лексика термин мақомида куйидаги хоссаларга эга:

1. Касб-ҳунар терминлари ҳам терминологик тизимга киради ва унинг компоненти ҳисобланади. Терминологик тизим ичида касб-ҳунар терминлари жинс-тур (гипер-гипонимик) ва бутун-бўлак (партонимик, холо-меронимик) муносабатда бўлади:

а) муайян турларга нисбатан умумий маънони ифодаловчи ва семантик майдоннинг ядроси (маркази)да келувчи бош сўзга, *доминантага* нисбатан *гипероним* атамаси ишлатилади. Бу сўз жинсни билдиради. Масалан, кулолчиликда ишлатиладиган нарса-қурол номлари умуман жинсни билдирса, ишлатиладиган ҳар бир нарса (коса, пиёла, лаган, кўза) унинг турини билдиради. Бу ҳолатда иккиламчи жинс-тур муносабатини кўришимиз мумкин. Масалан, кулолчиликда ишлатиладиган нарса-қуролнинг бир тури ҳисобланса, кулолчиликда ишлатиладиган турли кўза (қўшқулоқча (Тошкент), хурмача (Тошкент), кўканак (Риштон), чапия (Риштон), сув кўза (Риштон), балбала) нисбатан жинсни билдиради. Шу соҳада: *товоқ* гипероними ўз ичида чарх товоқ (Риштон), товоқи лангари (Самарқанд), нақшин товоқ (Ғиждувон), лаъли товоқ (Самарқанд), чуқур товоқ (Риштон), миёна товоқ (Ғиждувон), маърака товоқ, лангари товоқ, тўй товоқ, ним товоқ, харчаги товоқ, бош товоқ, лаъли товоқ каби гипонимларни бирлаштириб келади. Кулолчиликда нақш терминлари гипероним, чиннимухр, шамдони хаштаги, ялпизгул, офтоби, пирпирак, тўпмунчоқ, гирдоби парра, палакгул, шабаки, чиғириқ, давраи хуршид, ҳашти ҳавзаги, чормағиз, қора илон, мори сиёҳ кабилар эса гепоним бўлади;

б) бутун-бўлак (партонимик, холо-меронимик) муносабат. Масалан, кулолчилик соҳасида *чойнак* бутун номи сифатида *қолқоқ*, *тумшук*, *соп* каби бўлак

номларини билдирувчи бирликлар билан партонимик муносабатга киришади. Ёки, *чархи* бутун ном сифатида чарх *ғилдирак*, *кичик ғилдирак*, *катта ғилдирак*, *ўқ*, *ёғоч ўқ* каби бўлак номларини билдирувчи бирликлар билан партонимик муносабатга киришади. Партонимиянинг гипергипонимиядан фарқи шундаки, гипонимияда майдоннинг бир узви (аъзоси) бошқаларга нисбатан қарама-қарши қўйилиб, улар ўртасидаги маъно муносабатлари аниқланса, партонимияда алоҳида олинган узв (аъзо)нинг уни ташкил қилаётган ички аъзолари билан муносабати масаласи ўртага ташланади.

2. Тузилиши жиҳатидан бошқа терминларга ўхшаб содда, қўшма ва мураккаб (лингвотерминологик, яъни сўз бирикмаларига тенг бўлган терминлар) бўлади. Масалан, а) содда сўзлар: *косача*, *хум*, *кулол*, *косиб*, *товоқ*, *сопол*, *лой*, *гил*, *чинни*, *кўза*, *кўзача*, *лаган*, *ноғора*, *тувак*, *керамика*, *кошин*, *кошинкор*, *кўзагир*, *тандирчи*; б) қўшма сўзлар: *аноргул*, *бодомгул*, *қалампиргул*, *гулхайри*, *гулкўчқароқ*, *қўшхат*, *учхат*, *тўртхат*, *жиблажибон*, *чумчуққанот*, *қарғатирноқ*, *гилосбарг*; с) бирикмали терминлар: *тўрсимон нақш*, *ромбсимон нақш*, *учбурчакли шакл*, *учбурчак нақш*, *доирасимон шакл*, *доирасимон нақш*, *занжирсимон нақш*, *занжирсимон шакл*, *нуқтали нақш*, *квадратчали қора нақш*, *квадратчали оқ нақш*, *эгри чизик*, *тўғри чизик*, *доирачали нақш*.

3. Таркибида бошқа тилдан кирган сўзлар мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, кулолчилик соҳасида форс-тожикча: *банди руми*, *барги гажак*, *давра*, *даврай хуршид*, *дандана*, *дарахти хурмо*, *доира*, *ду гажаги марғула*, *ду эгри хат*, *думи балиқ занжираи тароқ*, *занжираи чашма*, *зарпоя*; арабча: *анқо*, *байт*, *кабира*, *косиб*, *мусаввада*, *марғула*, *мунаббат*, *мураққаъ*, *обида*, *тавқ*, *тарх*, *шарифа*, *ҳал*, *нақш*, *нақши чин*, *наққош*, *наққоши чин*, *саббоғ (бўёқчи)*; Араб-форсча терминлари кулолчилик терминологиясида икки таркибли терминлар ҳам учрайди. Бу каби терминлар ўзга тилларда ясалган ва шу ҳолида ўзбек тилига кўчган. Соҳа терминологиясидаги бундай терминлар араб-форсча терминлардан иборатдир. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: *нақшбанд*, *нақшбандлиғ*, *нақшбин*, *нақшгир*, *нақшпайванд (наққош)*, *нақшсоз*, *рақамкор*

(*чизилган*), *ахзарваш (яшил топ)*, *ахзаргун*, *журадон (сув идиш)*, *лаългун (қизил)*, *лаълфом*, *сахаргун (оқ ранг)*, *шафақваш (шафақдай қизил)*, *шафақгун*, *ҳирфавар (хунарманд)*[8].

Бошқа тиллардан ўзлашган атамалар кулолчилик лексикасида бошқа хорижий тиллардан ўзлашган сўзлар салмоқ жиҳатдан энг охирги ўринда туради. Шунинг учун ҳам рус ва бошқа хорижий тиллардан ўзлашган бирликларни умумий ҳолда келтириш билан чегараланамиз: *керамика (грек.)*, *фарфор*, *черепица*, *альфреска*, *инкрустация (рус)*, *колер*, *композиция*, *капитель*, *медальон (лот.)*, *компоновка*, *масштаб*, *макет*, *материал*, *орнамент*, *палметта*, *ритм*, *рута*, *стилизация*, *силуэт*, *симметрия*, *скампель*, *смалта*, *фриз*, *фаянс (итал.)*, *абразив (лот.)*, *гуаш (итал.)*, *грунт (немис.)*, *автопортрет (фран.)*, *ализарин (фр.)*, *амалгама (лот.)*, *амфора (лот.)*, *антрацит (юнон.)* ва бошқалар.

4. Касб-ҳунар терминларининг ясаилишида аффиксация фаол усулдир. Умум ўзбек тили доирасида мавжуд бўлган сўз ясовчи қўшимчаларнинг аксарияти ушбу лексика сўз ва атамаларини яшашда қатнашади. Бу қўшимчаларнинг энг муҳимлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: *-чи*, *-гир*, *-хона*, *-каш*, *-кор*, *-дон*, *-лик*, *-чилик*, *-ли*, *-симон*, *-соз*, *-фуруш*, *-шунос*, *-паз*, *-хўр*, *-боз* ва бошқалар. Бу қўшимчалар воситасида кулолчилик лексикасига оид турли сўз ва терминлар ясаилишини кузатамиз. Масалан: *-чи* аффикси фаолиятнинг маълум соҳасига мансуб шахсни билдириш билан бирга шу касб билан шуғулланганликни ҳам билдиради. *бўёқчи*, *нақшчи*, *расмчи*, *тандирчи*, *хумдончи*, *чархчи*, *ҳайкалчи*, *чегачи* каби; *дастгоҳсоз*, *чиннисоз*, *чархсоз* каби.

Айрим тилшунослар касб-ҳунар лексикасига оид бирликларнинг касб-ҳунар билан боғлиқ ўтмиш предметлари ва ҳодисаларини англатиши ҳақида фикр билдиришади. Хусусан, С. Усмонов касб-ҳунар лексикасига қуйидагича тавсиф беради: “Касб-ҳунар лексикаси ҳозирги турмушда ишлаб чиқаришнинг асосий йўналиши, тури бўлган предметларни эмас, балки унутилиб кетган ёки унутилиб бораётган ўтмишнинг тарқоқ ва кучсиз, ҳозирги саноат имкониятлари олдида қолаётган ишлаб чиқариш қуроллари, ишлаб

чиқариш жараёнлари номларидан иборатдир”[9]. Фикримизча, касб-хунар лексикаси аллақачон тарихий сўзлар қаторига кирган ёки унутилиб бораётган сўзлар эмас, улар ривожланаётган, янгиланаётган, замон талабига мос ишлаб чиқариш терминларидир.

Хулоса қилиб айтганда, термин ва касб-хунар лексикаси интеграл белгилари

билан бир умумийликка бирлашса, дифференциал белгилари билан алоҳида хусусийликларни ташкил қилади. Маълум илм-фан соҳаси, касб-хунар доирасида моносемикликка интилиш тенденциясига эга, илмий ёки ишлаб чиқариш соҳасида предмет, ҳодисани аниқ ифодалаш учун хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2016.
2. Абдуллаев Ф. Ўзбек тили лексикасининг баъзи бир масалаларига доир. Тўплам. 1-китоб. - Т., 1949.
3. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва халқ шевалари –Т., 1962.
4. Собиров С. Ўзбек тилини системамалар системаси тамойиллари асосида тадқиқ этиш. –Т.: Маънавият, 2004.
5. Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981.
6. Булатов С.С, Турсуналиев Н. Кулолчилик санъати. –Т., 2002.
7. Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси. -Т., 1959.
8. Усмонов С. Ўзбек тили терминологиясининг баъзи масалалари. –Т., Ўқитувчи, 1964.

(Тақризчи: М.Ҳакимов – филология фанлари доктори, профессор).